

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
БАНК-МОЛИЯ АКАДЕМИЯСИ**

Қўлёзма ҳуқуқида
УДК: 338.012:657.6(575.1)

Тўраев Абдурахим Нортожиевич

**ХЎЖАЛИК ЮРИТУВЧИ СУБЪЕКТЛАРДА ИЧКИ
АУДИТНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

08.00.08-«Бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил ва аудит»

Иқтисод фанлари номзоди
илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация

А В Т О Р Е Ф Е Р А Т И

Тошкент – 2012

**Диссертация иши Тошкент давлат иқтисодиёт университетида
бажарилган**

Илмий раҳбар: иқтисод фанлари номзоди, доцент
Тулаходжаева Миновар Маҳкамовна

Расмий оппонентлар: иқтисод фанлари доктори
Дусмуратов Раджапбай Давлатбаевич

иқтисод фанлари номзоди, доцент
Қўзиев Ислонжон Неъматович

Етакчи ташкилот: **Ўзбекистон Республикаси**
Молия вазирлиги

Ҳимоя Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси ҳузуридаги
иқтисод фанлари доктори илмий даражасини олиш учун диссертациялар
ҳимояси бўйича Д.005.25.01 рақамли Бирлашган ихтисослашган кенгашнинг
2012 йил “___” _____ соат _____ да ўтадиган мажлисида бўлади.

Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Ҳ.Орипов кўчаси, 16-уй.

**Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси
кутубхонасида танишиш мумкин.**

Автореферат 2012 йил «_____» _____ да тарқатилди.

**Бирлашган ихтисослашган
кенгаш илмий котиби
иқтисод фанлари доктори**

Ф.И.Мирзаев

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ

Мавзунинг долзарблиги. Ўзбекистонда иқтисодийни модернизациялаш, иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш жараёнида хўжалик юритувчи субъектларда ички аудитни ташкил этиш ва уни такомиллаштиришга бўлган зарурият янада ортмоқда.

Бу борада мамлакатимиз Президенти И.А.Каримов таъкидлаганларидек, «...аудит, инжиниринг ва бошқа замонавий хизмат турларини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратмоқдамиз»¹.

Хўжалик юритувчи субъектларда олиб борилаётган аудит тизимининг барча элементлари иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш босқичи талабларига мослигини таъминлашга қаратилган муҳим тадбирлардан бири – хўжалик юритувчи субъектларда ички аудитни ташкил қилиш ва уни такомиллаштириш ҳисобланади. Жумладан, 2000 йил 26 майда қабул қилинган «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги қонуннинг янги таҳририда ички аудитни ташкил қилиш, унинг услубий ва ҳуқуқий жиҳатларига етарлича эътибор қаратилмаган. Шу боис, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 16 октябрдаги 215-сонли қарори 2-иловасига асосан «Қорхоналардаги ички аудит хизмати тўғрисида»ги Низом ишлаб чиқилди ва ушбу низомга 2011 йил 14 сентябрдаги 258-сонли қарор асосида ички аудиторларга қўйиладиган талаблар бўйича ўзгартиришлар киритилди.

Фикримизча, ушбу низомда мамлакатимиз иқтисодчи олимлари томонидан ички аудит масалалари юзасидан бажарилган тадқиқот ишлари кўрсатишича, иқтисодийни модернизациялаш шароитида юксак технологияларга асосланган замонавий тармоқлар ва ишлаб чиқариш соҳаларини жадал ривожлантиришдаги муаммоларнинг ҳал этиш йўллари асосланмаган. Шу сабабли, ички аудитни такомиллаштириш борасида қатор муаммолар мавжудлиги сабабли, хўжалик юритувчи субъектларда ички аудит хизмати олдига қўйилган вазифалар тўлиқ амалга оширилмаяпти.

Республика иқтисодиётини модернизациялаш шароитида хўжалик юритувчи субъектларда ички аудитни ташкил қилиш ва такомиллаштириш, унинг бозор муносабатларига асосланган, бозор иқтисодиётига назарий-услубий ва ташкилий муаммолари мажмуасини тадқиқ этишнинг зарурлиги тадқиқот мавзусининг долзарблигини белгилайди.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Хўжалик юритувчи субъектларда ички аудитни ташкил қилиш ва такомиллаштиришда хорижий давлатлар иқтисодчи олимларидан В.Д.Андреев, Э.А.Аренс, А.М.Богомолов, В.В.Бурцев, Дж.Лоббек, А.К.Макальская, А.М.Сонин, В.П.Суйц, Л.В.Сотникова, Т.Собуа, А.Д.Шеремет кабиларнинг илмий ишлари эътиборга лойиқдир². Республикамиз

¹ Каримов И.А. Барча режа ва дастурларимиз ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади. – Т.: Ўзбекистон, 2011. – Б.13.

²Андреев В.Д. Внутренний аудит. Учебное пособие. – М.: Финансы и статистика, 2003. – 464 с.; Арэнс Э.А., Лоббек Дж.К. Аудит. Пер. с англ. Гл. ред. серии. UNCTC проф. Я.В. Соколов – М.: Финансы и статистика, 2001. – 560 с.; Богомолов А.М. Внутренний аудит. Организация и методика проведения. – М.: Экзамен, 2000. – 192 с.; Бурцев В.В. Стандартизация внутреннего аудита в акционерном обществе. – М.: Аудитор, 2002. – 48 с.; Макальская А.К. Внутренний аудит: учебно-практическое пособие. – М.: Дело и Сервис, 2001. – 112 с.; Сонин А.М. Внутренний аудит. Современный подход. – М.: Финансы и статистика, 2007. – 64 с.; Сотникова Л.В. Внутренний контроль и аудит. Учебник. – М.: Финстатинформ, 2000. – 239 с.; Собуа Т. Организация и методика внутреннего аудита хозяйствующих субъектов. Автореф. дисс. на соис. ученой

иктисодчи олимларидан Р.Д.Дусмуратов, А.К.Ибрагимов, Б.И.Исроилов, А.А.Каримов, Н.Ф.Каримов, З.Т.Маматов, Х.Н.Мусаев, А.Х.Пардаев, М.Қ.Пардаев, М.М.Тулаходжаева, Б.А.Хасанов, Б.Қ.Ҳамдамов, И.Н.Қўзиев³лар илмий асарларида ички аудитнинг айрим муаммолари ва ташкилий жиҳатлари тадқиқ этилган. Юқорида қайд этилган иктисодчилар томонидан хўжалик юритувчи субъектларда ички аудитни такомиллаштириш ва унинг фаолиятини ташкил этишга доир муаммоларнинг ҳал этиш йўллари таҳлил қилинмаган. Шу боис, хўжалик юритувчи субъектларда ички аудитни ташкил қилиш, уни такомиллаштириш илмий-амалий аҳамиятга эга бўлган ва иктисодий адабиётда етарлича тадқиқ этилмаган долзарб мавзу ҳисобланади.

Диссертациянинг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Тошкент давлат иктисодиёт университетининг илмий-тадқиқот ишлари режаси доирасида бажарилган.

Тадқиқот мақсади: иктисодиётни модернизациялаш шароитида хўжалик юритувчи субъектларда ички аудитни такомиллаштиришга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқот вазифалари:

- ички аудит тушунчаси мазмуни ва иктисодий моҳиятини очиб бериш;
- хорижий давлатларнинг ички аудит тажрибасидан республикамиз иктисодиётида ижодий фойдаланиш юзасидан илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш;
- хўжалик юритувчи субъектларда ички аудит ходимларига қўйиладиган малакавий талабларни такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;
- хорижий давлатларнинг ички аудит стандартлари асосида ички аудит миллий стандартларини ишлаб чиқиш бўйича амалий тавсиялар бериш;
- хўжалик юритувчи субъектларда ички аудиторлик ҳисоботи намунавий шаклини ишлаб чиқиш ва уни амалиётда қўллаш бўйича амалий тавсиялар бериш.

Тадқиқот объекти: «Ўздонмахсулот» ДАК тизимидаги «Сурхондонмахсулотлари» акциядорлик жамияти ва «Сурхонпахтасаноати» ҳудудий акциядорлик бирлашмаси хўжалик юритувчи субъектларида ички аудит тизими танлаб олинди.

степени к.э.н. Воронеж. 2009. – 23 с.; Шермет А.Д., Суйц В.П. Аудит. Учебник. 5-е изд., перераб. и дополненное. – М.: ИНФРА-М, 2008. – 448 с.

³ Дусмуратов Р.Д. Аудит асослари. Дарслик. – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2003. – 612 б.; Ибрагимов А.К. Ишлаб чиқариш харажатлар ҳисоби, аудити ва кишлоқ хўжалик маҳсулотлари таннархини аниқлашни такомиллаштириш. и.ф.д. илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс. автореф. – Т.: 2002. – 41 б.; Каримов А.А. Корпоратив бошқарув тизимида бухгалтерия ҳисоби ва аудитини такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари. и.ф.д. илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс. автореф. – Т.: 2009. – 32 б.; Каримов Н.Ф. Тижорат банкларида ички аудитни ташкил қилиш ва унинг услубиётини такомиллаштириш муаммолари. и.ф.д. илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс. автореф. – Т.: 2007. – 36 б.; Маматов З.Т. Хўжалик юритувчи субъектларда молиявий ҳисобот аудитини ўтказишни такомиллаштириш масалалари. и.ф.д. илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс. автореф. – Т.: 2005. – 40 б.; Мусаев Х.Н. Аудит. Дарслик. – Т.: Молия, 2003. – 220 б.; Пардаев А.Х. Бошқарув ҳисоби. – Т.: Академия, 2002. – 172 б.; Пардаев М.Қ., Исроилов Б.И. Иктисодий таҳлил (ўқув қўлланма) – Т.: Иктисодиёт ва ҳуқуқ дунёси, 2001. – 176 б.; Тулаходжаева М.М. Система финансового контроля в Республике Узбекистан. – Т.: Мир экономики и права, 1998. – 176 с.; Хасанов Б.А., Алибоев З.А., Зокирова М.Ш. Ички аудитни автоматлаштириш асослари. – Т.: Фан, 2003. – 160 б.; Ҳамдамов Б.К. Ўзбекистон иктисодиётининг ҳисоб ва ҳисобот тизимида аудиторлик назоратини ривожлантиришнинг услубий асослари: и.ф.д. илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс. автореф. – Т.: 2007. – 33 б.; Қўзиев И.Н. Акциядорлик жамиятларининг аудиторлик ҳисоботларида муҳимлик даражасини баҳолаш усуллари // Молия - Тошкент, 2011. – № 1. – Б. 72-78.

Тадқиқот предмети: хўжалик юритувчи субъектларда ички аудит хизматини ташкил этиш ва такомиллаштириш жараёнида содир бўладиган иқтисодий муносабатлар йиғиндисидан иборат.

Тадқиқот методлари. Диссертацияда таққослаш, гуруҳлаш, коэффицентларни ҳисоблаш, иқтисодий-математик ва таҳлилнинг бошқа усулларида фойдаланилган.

Тадқиқот гипотезаси. Тадқиқот ишида ишлаб чиқилган илмий таклиф ва амалий тавсияларнинг амалиётда қўлланилиши хўжалик юритувчи субъектларда ички аудит хизматини халқаро аудиторлик стандартлари талаблари даражасига мувофиқлаштириш ва ички аудит хизматини тўғри шакллантириш имконини бериши мумкин.

Ҳимояга олиб чиқиладиган асосий ҳолатлар:

- хўжалик юритувчи субъектларда ички аудит хизмати натижаларидан ташқи аудиторларнинг фойдаланиши ташқи аудиторлик текшируви шартнома суммасининг 10 % га қисқартиришга олиб келиши аниқланди, уни ўтказиш жараёнида юзага келадиган таваккалчилик даражаси ва танлаш фоизини камайтириш юзасидан илмий таклифлар ишлаб чиқилди;

- ички аудит хизматини самарали ташкил этиш учун ички аудит жараёнларининг таркибий тузилмасини жорий этиш орқали хўжалик юритувчи субъектларда ортиқча тўланган солиқларни аниқлаш бўйича амалий тавсиялар берилди;

- хўжалик юритувчи субъектларда ички аудит хизматини ташкил этишда бирламчи ҳужжатлар шаклланиши амалиётини умумлаштириш бўйича «Ички аудит хизмати тўғрисида»ги ва «Ички аудиторларга малака сертификатини бериш тартиби тўғрисида»ги низомларнинг намунавий шакли ишлаб чиқилди ва уни амалиётда қўллаш тавсия этилди;

- ички аудиторлик ҳисоботининг намунавий шакли ишлаб чиқилиб, уни амалиётга жорий этиш бўйича амалий тавсиялар берилди.

Илмий янгилиги:

- ички аудит хизматини самарали ташкил этиш ва тартибга солиш илмий жиҳатдан асосланди;

- хўжалик юритувчи субъектларда ички аудит хизмати ходимлари учун «Ички аудиторларга малака сертификатини бериш тартиби тўғрисида»ги Низом ишлаб чиқилган ва амалиётга тавсия этилди;

- халқаро ички аудит стандартлари асосида «Ички аудитни ҳужжатлаштириш» миллий стандарти ишлаб чиқилди;

- хўжалик юритувчи субъектларда ташқи аудиторлар билан ўзаро муносабатларини самарали ташкил этишда ички аудит хизмати натижаларидан фойдаланиш бўйича амалий тавсиялар ишлаб чиқилди;

- хўжалик юритувчи субъектларда ички аудит хизмати натижаларини расмийлаштириш учун «Ички аудиторлик ҳисоботи»нинг алоҳида шакли таклиф этилди;

- ички аудит хизматида корреляцион ва регрессион таҳлили усуллари натижасида хўжалик юритувчи субъект молиявий ҳолати башоратини амалга ошириш йўллари ишлаб чиқилди.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот ишининг илмий аҳамияти диссертацияда илгари сурилган илмий-назарий ва амалий ғоялар, ишлаб чиқилган илмий таклиф ва амалий тавсиялардан хўжалик юритувчи субъектларда ички аудитни такомиллаштиришга қаратилган махсус илмий-тадқиқот ишларида манба сифатида фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот ишининг амалий аҳамияти хўжалик юритувчи субъектларда ички аудитни такомиллаштиришга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсиялардан мақсадли давлат дастурлари ишлаб чиқилишида фойдаланиш мумкин. Диссертация материалларидан олий ўқув юртларида «Аудит» ва «Аудиторлик фаолиятининг миллий стандартлари» фанларининг ўқув дастурларини такомиллаштириш ва ўқитиш жараёнида фойдаланиш мумкин.

Натижаларнинг жорий қилиниши. Тадқиқот жараёнида ишлаб чиқилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги (2011 йил 10 майдаги 07/11-сонли далолатнома), Ўзбекистон Бухгалтерлар ва аудиторлар миллий ассоциацияси (2010 йил 19 мартдаги 6-сонли далолатнома) ва “Галла-Алтег” ОАЖ (2012 йил 5 январдаги далолатнома) томонидан амалиётга жорий этиш учун қабул қилинган. Диссертация материалларидан Тошкент давлат иқтисодиёт университетида (2011 йил 29 январдаги 3-сонли маълумотнома) «Аудит» ва «Аудиторлик фаолиятининг миллий стандартлари» фанлари ўқув дастурларини такомиллаштириш ва ўқитиш жараёнида фойдаланиш учун қабул қилинган.

Ишнинг синовдан ўтиши. Диссертациянинг асосий мазмуни ва натижалари «Ўзбекистон Республикасида бухгалтерия ҳисоби ва аудитни ривожлантириш муаммолари» (Тошкент, 2008); «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида бухгалтерия ҳисоби, аудит ва таҳлилни такомиллаштириш масалалари» (Тошкент, 2009), «Реализации антикризисной программы – основа дальнейшего развития национальной экономики и повышения его конкурентоспособности» (Москва, 2010); «Ҳозирги шароитда бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил, аудит ва мутахассислар тайёрлашни такомиллаштириш йўллари» (Тошкент, 2010); «Двадцать четвертые международные плехановские чтения» (Москва, 2011), «Ўзбекистон Республикасида иқтисодий таҳлил ва аудитни ривожлантириш муаммолари» (Тошкент, 2011) мавзуларидаги халқаро ва республика илмий-амалий конференцияларида маърузалар кўринишида баён қилинган ва маъқулланган.

Диссертация иши Тошкент давлат иқтисодиёт университети кафедраларо ва Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси ҳузуридаги Бирлашган ихтисослашган кенгаш қошидаги илмий семинар мажлисида муҳокама қилинган ва ҳимояга тавсия этилган.

Натижаларнинг эълон қилинганлиги. Тадқиқот ишининг асосий илмий натижалари 16 та илмий мақола ва тезисларда ўз ифодасини топган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация иши таркибий жиҳатдан кириш, учта боб, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Тадқиқот матни 141 бетдан иборат бўлиб, 19 та жадвал, саккизта расм ва тўққизта иловани ўз ичига олади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Иқтисодийни модернизациялаш шароитида мулкчилик шаклидан қатъий назар, хўжалик юритувчи субъектларнинг рахбар ходимлари ва хизматчилари юқори савиядаги касбий тайёргарликка, иқтисодий-ҳуқуқий билимга, тажрибага эга бўлишлари лозим. Ички аудиторлар хўжалик юритувчи субъектлар барча бўғинларини текшириш билан шуғулланиб, меъёрий ҳужжатлар ва қонун талабларидан четга чиқишларнинг вужудга келиш сабаблари ва фаолият йўналишини яхшилаш имкониятларини аниқлашга ёрдам беради. Ички аудитнинг хўжалик юритувчи субъектлар учун аҳамиятли томонларидан бири, у раҳбариятни бошқарув қарорлари қабул қилишда тезкор маълумотлар билан таъминлаб туришидир.

Иқтисодийни модернизациялаш шароитида хўжалик юритувчи субъектларда ички аудитни шакллантириш катта аҳамиятга эга. Чунки, ички аудит ўтказиш текширув натижаларини умумлаштиради ва бу хусусдаги ахборотни хўжалик юритувчи субъект раҳбариятига тақдим этади.

Ички аудитнинг вазифаси – хўжалик юритувчи субъектларда молиявий ҳисоботлар тузилгунга қадар мавжуд хато ва камчиликларни аниқлаш ҳамда уларни бартараф этиш бўйича кўрсатмалар беришга асосланади. Шундай экан, ҳар қандай хўжалик юритувчи субъектлар ўз хато ва камчиликларини ички аудит хизматлари орқали кўра олишлари ва тузатишлари мақсадга мувофиқдир. Бу эса, хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини такомиллаштириш ва самарадорлигини оширишга олиб келади. Келтирилган фикр-мулоҳазаларга асосан, хўжалик юритувчи субъектларда ички аудитни ташкил этишни қуйидаги 1-расмда келтирамыз:



1-расм. Ички аудит хизматини ташкил этиш⁴

⁴ Муаллиф томонидан тузилган.

Юқоридаги расмда ички аудит хизмати томонидан бухгалтерия ҳисобини юритиш тартиби, ҳўжалик муомалаларининг молия-ҳўжалик фаолиятини амалга оширишда қонун ҳужжатларига риоя этилиши, ҳўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий ҳисоботларида тўлиқ ва аниқ акс эттирилганлиги текширилади. Шунингдек, ҳўжалик юритувчи субъектларда ички аудит хизмати ходимлари томонидан ички аудит текшируви охирида ички аудиторлик ҳисоботи тузилиб, ҳар чоракда ва йил охирида Кузатув кенгашига тақдим этилади.

Ўзбекистон Республикасида баланс активлари бир млрд. сўмдан ортиқ бўлган корхоналарда ички аудит хизматининг ташкил этилишини 1-жадвал маълумотларидан кўришимиз мумкин.

1-жадвал

Активларининг баланс қиймати бир млрд. сўмдан ортиқ бўлган корхоналарда ички аудит хизматининг жорий этилиши ҳолати⁵

№	Худудлар	2007 й.		2008 й.		2009 й.		2010 й.		2011 й		2011 й.да 2007 й.га нисбатан, % ўзгариш ҳисобида
		амал- да	%	амал- да	%	амал- да	%	амал- да	%	амал- да	%	
1.	Қорақалпоғистон Республикаси	22	6,3	22	6,3	24	6,3	22	5,3	23	5,3	-1,0
2.	Андижон	29	8,3	26	7,5	33	8,7	28	6,7	29	6,7	-1,6
3.	Бухоро	14	4,1	14	4,1	16	4,2	35	8,4	37	8,6	4,5
4.	Жиззах	5	1,4	8	2,3	12	3,2	13	3,1	13	3,0	1,6
5.	Қашқадарё	37	10,6	32	9,2	35	9,3	33	7,9	33	7,7	-2,9
6.	Навоий	16	4,6	16	4,6	16	4,2	17	4,1	17	4,0	-0,6
7.	Наманган	11	3,2	11	3,2	15	3,9	25	5,9	26	6,0	2,8
8.	Самарқанд	28	8,0	29	8,3	31	8,2	34	8,1	36	8,4	0,4
9.	Сурхондарё	35	10,1	38	11,0	38	10,1	33	7,9	33	7,7	-2,4
10.	Сирдарё	16	4,6	16	4,6	16	4,2	14	3,3	14	3,3	-1,3
11.	Тошкент вилояти	22	6,3	24	6,9	16	4,2	31	7,4	33	7,7	1,4
12.	Фарғона	31	8,9	31	8,9	32	8,4	30	7,2	32	7,4	-1,5
13.	Хоразм	33	9,5	20	5,7	21	5,6	19	4,5	19	4,4	-5,1
14.	Тошкент шаҳри	49	14,1	61	17,4	73	19,5	85	20,2	85	19,8	5,7
	ЖАМИ	348	100	348	100	378	100	419	100	430	100	-

Юқоридаги 1-жадвал маълумотларидан кўришиб турибдики, республикамизнинг баланс активлари бир млрд. сўмдан ортиқ бўлган корхоналарида ички аудит хизмати 2007 йилда 348 та корхонада мавжуд бўлса, 2011 йилга келиб, бу кўрсаткич 430 тани ташкил этди. Яъни, бу кўрсаткич 2007 йилга нисбатан ички аудит хизмати жорий этилиши 23,6 %га ошган. Аммо, ҳозирги вақтда ички аудит хизмати мавжуд бўлсада, ушбу корхоналарда малака сертификатиغا эга бўлган ички аудиторлар етарли эмас.

«Активларининг баланс қиймати бир млрд. сўмдан ортиқ бўлган корхоналарда ички аудит ташкил этилиши лозим бўлган корхоналарнинг эҳтиёжини таҳлил этадиган бўлсак, у ҳолда уларнинг сони Давлат мулкани бошқариш қўмитаси маълумотларига асосан, 1200 тага яқин бўлиб, уларнинг 40-45%ида ички аудит хизмати бўлимлари мавжуд ва улар ўриндошлик асосида

⁵ Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкани бошқариш қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

ишловчи сертификатланган аудиторлардан шакллантирилган. Қолган корхоналар учун эса, ўртача 2000 га яқин ички аудит хизмати ходимларига эҳтиёж мавжуд»⁶.

Хўжалик юритувчи субъектларларнинг ички аудит бўлимида ташқи аудиторлик малака сертификатига эга бўлган аудиторлар ишлаб келмоқда. Лекин уларнинг сони ҳам ташқи, ҳам ички аудиторлар учун етарли эмас.

Ҳозирги даврда ички аудит бўлимига малака сертификатига эга бўлган ички аудиторлар учун талаб катта. Аммо, ички аудиторларнинг билими ва малакасига қўйиладиган талаблар ташқи аудиторларнинг талабларидан фарқ қилиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 ноябрдаги ПҚ-1438-сонли қарори 2-иловасининг 7-бўлимида аудит хизматини ривожлантириш бўйича 2011 йилнинг III чорагигига қадар «Ички аудитор малака талабларини ўрнатишда ички аудит хизмати ходимларини сертификатлаш тизимини амалиётга жорий этиш» лозимлиги белгиланган.

Ҳозирда хўжалик юритувчи субъектларда ички аудит хизматини шакллантириш учун малака сертификатига эга бўлган ички аудиторлар етишмаганлигининг асосий сабабларидан бири – уларга қўйилган талаблар билан ташқи аудиторларни сертификатлаш даражаси билан бир хил. Ушбу муаммони бартараф этиш мақсадида биз томонимиздан ички аудиторлар сертификатини бериш бўйича «Ички аудитор малака сертификатини бериш тартиби тўғрисида»ги Низом ишлаб чиқилди ва у қуйидаги бандларни ўз ичига олади:

1. Умумий қоидалар.
2. Малака талаблари.
3. Ички аудитор малака сертификати олиш учун тақдим этиладиган материаллар.
4. Малака имтиҳонини топширишга ижозат бериш ёки ижозат беришни рад этиш тўғрисида қарорлар қабул қилиш тартиби.
5. Малака имтиҳонларини топшириш тартиби.
6. Апелляцияларни кўриб чиқиш тартиби.
7. Ички аудитор малака сертификатини бериш, амал қилиш муддатини узайтириш, қайтадан расмийлаштириш ва дубликат бериш тартиби.
8. Ички аудитор малака сертификати амал қилишини тугатиш ва бекор қилиш тартиби.
9. Малака сертификатига эга бўлган ички аудиторлар реестрини юритиш.
10. Қарорлар устидан шикоят қилиш.

Ушбу низом хўжалик юритувчи субъектларда малака сертификатига эга бўлган ички аудиторларга нисбатан бўладиган эҳтиёжни таъминлашга хизмат қилиши мумкин. Хўжалик юритувчи субъектларда ички аудит самарадорлигини ошириш, ўз навбатида, ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва мамлакат иқтисодиётини тараққий эттиришда муҳим аҳамият касб этади.

⁶ Жўраев О.Н. Корхоналарда ички аудит хизматини ташкил этиш борасидаги мулоҳазалар // Ҳозирги шароитда бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил, аудит ва мутахассислар тайёрлашни такомиллаштириш. Республика илмий-амалий конференцияси. – Тошкент, 2010. – Б. 41.

Ўзбекистон Республикаси хўжалик юритувчи субъектларида аудиторлик фаолияти миллий стандартларидан фойдаланиш ташқи аудиторлик ташкилотлари учун мўлжалланган бўлиб, ички аудиторлар учун алоҳида ички аудит стандартларининг мавжуд эмаслиги, унинг ривожланишига тўсқинлик қилмоқда.

Агар ички аудитор ташқи аудиторлар каби ички аудит стандартларидан кенгрок фойдаланса, уларнинг иш унумдорлиги ошади ва ташқи аудиторлар учун текширувни ўтказишга кетадиган харажатларни камайтиришга хизмат қилиши мумкин. Ташқи аудиторлар асосан хўжалик юритувчи субъектларни аудиторлик текширувидан ўтказишда аудиторлик фаолияти миллий стандартларидан фойдаланадилар. Ички аудиторларнинг вазифалари ва уларга қўйиладиган талаблар ташқи аудиторлардан фарқли бўлганлиги сабабли, улар учун ҳам алоҳида ички аудиторлик стандартларининг ишлаб чиқиши мақсадга мувофиқ бўлади.

Фикримизча, ривожланган хорижий давлатлар амалиётида қўлланилаётган аудит стандартларидан келиб чиққан ҳолда, хўжалик юритувчи субъектларда ички аудит миллий стандартларини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ ва унинг кўриниши 2-расмда келтирилган.

Халқаро ички аудит стандартлари асосида «Ички аудитни ҳужжатлаштириш» номли ички аудит миллий стандарти ишлаб чиқилди. Ушбу стандарт қуйидаги бўлимлардан иборат бўлиши мақсадга мувофиқдир:


1. Умумий қоидалар: хўжалик юритувчи субъектларда молиявий-хўжалик фаолияти ички аудитнинг барча турларига дахлдорлиги, чекловларнинг мавжуд эмаслиги, уч йилда бир мартадан ортиқ бўлмаган ҳолда қайта кўриб чиқиши мумкинлиги.

2. Мақсад ва вазифалар: ички аудит сифатини таъминлаш, ички аудит хулоса ва қарорларини исботлаш, ички аудит хизмати мавжуд стандартларга мос равишда ўтказилганлигини исботлаш.

3. Ишчи ҳужжатлар: ички аудитор ишчи ҳужжатларни тўлиқ ва батафсил тузиши лозимлиги, режалаштириш, текширув характери ва натижаларини қайд этиши, текширув объекти ҳисобланувчи барча ҳужжатларни текшириш, ишчи ҳужжатларни раҳбарият билан маслаҳатлашган ҳолда юритиши, текширувда жавобгар шахслардан тушунтириш хатларини олиши, ички аудит текширувига оид барча ишчи ҳужжатларни архивлаштириши.

4. Ишчи ҳужжатларнинг мазмуни ва уларни расмийлаштириш талаблари: ички аудиторлик ҳисоботига қўйилган талаблар, субъект тузилмавий бўлинмалар фаолиятининг характери, бухгалтерия бўлими ҳужжатларини текшириш ва назорат қилиш, ишчи ҳужжатларини андозавий шаклини мустақил ишлаб чиқиш, ноқонуний юритилган ҳужжатларни аниқлаш.

5. Якуний қисм: ички аудит ҳужжатларини жамлаш ва умумлаштириш, якунланмаган амалларни аниқлаш, ишчи ҳужжатлари тўлиқлигини текшириш, раҳбарият топшириғи бажаралишини кўриб чиқиш, ички аудит текширувини якунлаш ва камчиликларни бартараф этиш назарда тутилган.



2–расм. Ички аудит миллий стандартларининг тузилиши⁷

Ички аудит хизмати натижаларини расмийлаштириш учун ички аудиторлик ҳисоботининг алоҳида шакли мавжуд эмас, маҳаллий ва хорижий аудитда қўлланилувчи ҳисобот шаклларида механик тарзда фойдаланиш мақсадга мувофиқ эмас. Шунга кўра, ички аудиторлик ҳисоботининг намунавий шакли ишлаб чиқилди. Ҳўжалик юритувчи субъектларида ички аудит хизматини такомиллаштириш учун фикримизча, ички аудит хизмати ҳисоботини юритиш

⁷ Муаллиф томонидан тузилган.

тартиби ва текширув натижалари бўйича тавсиялар тайёрлашни маълум бир тартибда олиб бориш мақсадга мувофиқдир.

Чунки, ички аудиторлик фаолияти натижалари бўйича раҳбариятга ҳисоботлар мунтазам тақдим этилиб, уларда ички аудит бўлими вазифалари билан ишнинг бажарилиши ҳамда аудиторлик текширувларининг календарь жадваллари қиёсланади, харажатлар сметалари таҳлил қилинади, асосий чекловларнинг сабаблари изоҳланади ва қабул қилинган ёки зарур чоралар кўрсатилади.

Шу сабабли, муаллиф томонидан хўжалик юритувчи субъектларда ички аудит хизмати ҳисоботи ишлаб чиқилди ва унга қуйидаги умумий маълумотлар киритилиши тавсия этилди:

1. Ички аудит хизмати объекти номи.
2. Ички аудитнинг мақсади ва характери.
3. Ички аудит хизмати объекти раҳбарлари.
4. Тегишли мутахассислар.
5. Қамраб олувчи давр.
6. Ички аудит миқёслари.
7. Ички аудит бўлими бошлиғи.
8. Малака сертификати.
9. Ички аудит гуруҳ таркиби.
10. Ички аудит давомида қўлланиладиган профессионал стандартлар, услубий қўлланма ва низомлар.
11. Ички аудит даврида йиғилган маълумотлар.
12. Текширув объектида аниқланган камчиликлар.
13. Аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича тавсиялар.
14. Камчиликларни бартараф этиш бўйича режалаштирилган чора-тадбирлар.
15. Ички аудит якуни бўйича хулосалар.
16. Ички аудит натижалари бўйича режалаштирилган мақсадларга тааллуқли хулосалар.
17. Ички аудит бўлим бошлиғи имзоси.
18. Ички аудит хизмати санаси.


Тадқиқотларимизга кўра, хўжалик юритувчи субъектларда ички аудитнинг самарадорлигини ошириш, вақт сарфини камайтириш, ноаниқлик ва таваккалчиликни бартараф этиш мақсадида ички аудит ўтказиш жараёнларини қуйидаги кетма-кетликда амалга оширишни таклиф этамиз (3-расм).

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, фикримизча, хўжалик юритувчи субъект фаолиятини аниқ ва равшан очиб бериш учун юқорида биз таклиф этган кетма-кетликда амалга ошириш ички аудит хизмати тезкорлиги, сифати ва самарасини оширади, шунинг учун хўжалик юритувчи субъектларда ички аудит хизматини ишлаб чиқилган тартиб бўйича юритиш мақсадга мувофиқдир.



3-расм. Ички аудит жараёнларининг таркибий тузилмаси⁸

Юқоридаги илмий фаразларимиздан келиб чиқиб, қўшимча равишда бухгалтерия баланси моддаларини молиявий ҳисоботларнинг бошқа шакллари билан ўзаро боғланишини 4-расм бўйича таққослаш ва боғланиш тартибини келтиришимиз мумкин.



4-расм. Молиявий ҳисоботларнинг ўзаро боғлиқлиги⁹

⁸ Муаллиф томонидан тузилган.

⁹ Муаллиф томонидан тузилган.

Ушбу таққосланиш фикримизча, хўжалик юритувчи субъектларнинг дастлабки текширувини ифодалаб, бухгалтерия ҳисобининг юритилишини очиб бериш имконини яратади.

Хўжалик юритувчи субъектларда аудит хизматини ташкил этиш ва юритиш мобайнида ташқи аудиторларнинг ички аудит хизмати натижаларидан фойдаланиши мумкинлигидан келиб чиқиб, унинг ишидан самарали фойдаланиш, ташқи ва ички аудиторларнинг ўзаро муносабатларини ташкил этиш мақсадида қўшимча равишда 61-сонли «Ички аудит хизматидан фойдаланиш» номли аудиторлик фаолияти миллий стандартининг намунавий шакли ишлаб чиқилди ва ушбу стандарт қуйидаги бўлимлардан иборат бўлиши лозим:

Муқаддима

1. Умумий қоидалар.
2. Асосий тушунчалар.
3. Ички аудит хизматининг қўлами ва вазифалари.
4. Ички аудит хизмати билан ташқи аудит ўртасидаги ўзаро боғлиқлик.
5. Ички аудит хизмати натижаларидан фойдаланиш ва унга дастлабки баҳо бериш.
6. Ўзаро таъсир муддатлари ва мувофиқлаштириш.
7. Ички аудит хизмати ишига баҳо бериш ва тест синовини ўтказиш.

Хўжалик юритувчи субъектларда ички аудитни такомиллаштириш учун тавсия этилган таклифлар ҳамда таҳлилий формулаларни амалиётга татбиқ этиш асосида тадқиқот объекти сифатида танлаб олинган «Сурхондонмахсулотлари» АЖнинг 2004-2010 йиллардаги молиявий ҳисоботидан фойдаланиб, хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий ҳолатини тўлиқ ифодаловчи коэффицентларнинг корреляцион ва регрессион таҳлилларини амалга оширамиз.

2-жадвал

«Сурхондонмахсулотлари» АЖнинг 2004-2010 йиллар бўйича молиявий ҳолатини белгиловчи кўрсаткичлар қийматлари¹⁰

№	Кўрсаткичлар	Йиллар						
		2004	2005	2006	2007	2008	2009	2010
1.	Тўлов қобилияти коэффи- циенти	1,07	1,07	0,95	0,92	1,08	0,93	0,99
2.	Ўз айланма маблағлари билан таъминланганлик коэффи- циенти	0,07	0,07	-0,05	-0,09	-0,07	0,73	0,96
3.	Харажатлар рентабеллиги коэффициенти	0,13	0,14	0,02	0,04	0,16	0,09	0,07
4.	Активлар рентабеллиги коэф- фициенти	0,009	0,009	0,008	0,001	0,009	0,02	0,002
5.	Ўз айланма маблағларининг қарзга олинган айланма мблағларга нисбати коэф- фициенти	0,31	0,35	0,28	0,22	0,21	0,48	0,08
6.	Асосий воситаларнинг эскириш коэффициенти	0,47	0,41	0,42	0,34	0,35	0,37	0,39
7.	Маҳсулот (товар, иш ва хизмат) ларни сотишдан соф тушум	1204956	1332395	8311110	7865257	14909782	21183075	19346480

¹⁰ «Сурхондонмахсулотлари» АЖнинг 2004-2010 йиллар ҳисобот маълумотлари асосида ҳисобланган.

Юқорида келтирилган 2-жадвал маълумотлари асосида тўлов қобилияти коэффиценти, ўз айланма маблағлари билан таъминланганлик коэффиценти, харажатлар рентабеллиги коэффиценти, активлар рентабеллиги коэффиценти, ўз айланма маблағларининг қарзга олинган айланма маблағларга нисбати коэффиценти, асосий воситаларнинг эскириш коэффицентларининг «Сурхондонмахсулотлари» АЖ маҳсулот (товар, иш ва хизмат)ларини сотишдан тушган соф тушум билан улар орасидаги боғлиқликларнинг корреляцион таҳлиллари амалга оширилади.

3-жадвал

«Сурхондонмахсулотлари» АЖнинг 2004-2010 йиллар бўйича молиявий ҳолатини белгиловчи кўрсаткичларни корреляцион таҳлил натижалари¹¹

Кўрсаткичлар	Тўлов қобилияти коэффиценти	Ўз айланма маблағлари билан таъминланиш коэффиценти	Харажатлар рентабеллиги коэффиценти	Активлар рентабеллиги коэффиценти	Ўз айланма маблағларининг қарзга олинган айланма маблағларга нисбати	Асосий воситалар эскириш коэффиценти	Маҳсулот (товар, иш, хизмат)ларни сотишдан соф тушум
Тўлов қобилияти коэффиценти	1						
Ўз айланма маблағлари билан таъминланиш коэффиценти	-0,416	1					
Харажатлар рентабеллиги коэффиценти	0,959	-0,399	1				
Активлар рентабеллиги коэффиценти	0,406	-0,335	0,518	1			
Ўз айланма маблағларининг қарзга олинган айланма маблағларга нисбати	-0,262	0,273	-0,246	0,137	1		
Асосий воситалар эскириш коэффиценти	0,462	-0,230	0,221	-0,368	-0,044	1	
Маҳсулот (товар, иш, хизмат)ларни сотишдан соф тушум	-0,425	0,724	-0,344	0,294	0,293	-0,605	1

3-жадвал маълумотлари асосидаги корреляцион таҳлил натижаларига асосланиб, регрессион таҳлилни амалга оширамиз. Бунинг учун биринчи навбатда, коэффицентларни ўзгарувчилар сифатида белгилаб олиш лозим. Бунда, x_1 - тўлов қобилияти коэффиценти; x_2 - ўз айланма маблағлари билан таъминланганлик коэффиценти; x_3 - харажатлар рентабеллиги коэффиценти; x_4 - активлар рентабеллиги коэффиценти; x_5 - ўз айланма маблағларининг қарзга олинган айланма маблағларга нисбати коэффиценти; x_6 - асосий воситаларнинг эскириш коэффиценти ҳамда «Сурхондонмахсулотлари» АЖнинг маҳсулотлари сотилишидан тушган тушумни Y билан белгилаб оламиз. Юқорида «икс»лар билан белгиланган кўрсаткичлар «Сурхондонмахсулотлари»

¹¹ «Сурхондонмахсулотлари» АЖнинг 2004-2010 йиллар ҳисобот маълумотлари асосида ҳисобланган.

АЖнинг маҳсулотлари сотилишидан тушган тушумга таъсир қилувчи омиллар бўлиб, улар даромаднинг шаклланишида ижобий ёки салбий таъсир этади.

Ушбу белгилашлардан фойдаланган ҳолда корреляция таҳлили натижаларига асосланиб, «Сурхондонмаҳсулотлари» АЖнинг маҳсулотлари сотилишидан тушган тушум билан унга таъсир этувчи омиллар ўртасидаги эмпирик моделни ҳосил қиламиз. Бунинг учун жуфт корреляция коэффицентлари матрицасидаги ўзаро кучли боғланган омилларни таҳлил этиб, улар ичида 0,7 критик қийматдан юқориларини моделдан чиқариб ташлаймиз.

Шунингдек, 3-жадвалдаги жуфт корреляция коэффицентлари матрицасидаги таҳлил натижаларидан кўриниб турибдики, харажатлар рентабеллиги коэффиценти ҳамда тўлов қобиляти коэффицентларининг ўзаро жуфт корреляция коэффицентлари ҳосил қилган қиймати 0,959ни ташкил этганлиги боис, ушбу икки омилдан бирини регрессия тенгламасига киритиш лозим бўлади. Шунингдек, харажатлар рентабеллиги коэффицентининг маҳсулотлар сотилиши соф тушуми билан ўзаро жуфт корреляция коэффиценти -0,344 ва тўлов қобиляти коэффиценти ҳамда маҳсулотлар сотилиши соф тушуми билан ўзаро жуфт корреляция коэффиценти -0,425 га тенг бўлганлиги боис, регрессия тенгламасидан тўлов қобиляти коэффицентини чиқарамиз. Ушбу ҳолатда эмперик моделнинг умумий кўриниши қуйидагига тенг бўлади:

$$\bar{y}_x = 5603667,9 + 170856199x_1 - 726564782x_2 + 4336871329x_3 - 58768816x_4 + 48953031x_5 \quad (1)$$

Ишлаб чиқилган ушбу моделни ишончлилик даражаларини Стьюдент (t) ҳамда Фишернинг (F) мезонлари ёрдамида баҳолаймиз ва қолган ишончлилик кўрсаткичларини қуйидаги жадвалда акс эттирамиз (4-жадвал).

4-жадвал

«Сурхондонмаҳсулотлари» АЖда ишлаб чиқилган иқтисодий-математик моделнинг ишончлилик коэффицентлари¹²

Кўрсаткичлар					
$F_{\delta\hat{a}\hat{e}} = 102,64$	$R = 0,999$	$R^2 = 0,998$	$R_{USS} = 7,66$		
$t_{a0} = 1,290$	$t_{a1} = 15,831$	$t_{a2} = -7,508$	$t_{a3} = 11,534$	$t_{a4} = -3,577$	$t_{a5} = 0,440$
$p_{value} = 0,419$	$p_{value} = 0,040$	$p_{value} = 0,084$	$p_{value} = 0,055$	$p_{value} = 0,173$	$p_{value} = 0,736$

4-жадвал маълумотларида биз, эмпирик модельнинг коэффицентларининг ишончлилиги (Стьюдент (t)), моделнинг ишончлилиги (Фишер (F)), корреляция коэффиценти ($R = 0,999$), детерминация коэффиценти ($R^2 = 0,998$), ҳамда қолдиқ дисперсия ($R_{USS} = 7,66$) натижаларини келтирамиз.

Юқоридаги натижаларга кўра, «Сурхондонмаҳсулотлари» АЖнинг соф тушумига x_1 - тўлов қобиляти коэффиценти, x_2 - ўз айланма маблағлари билан таъминланганлик коэффиценти, x_3 - харажатлар рентабеллиги коэффиценти, x_4 - активлар рентабеллиги коэффиценти, x_5 - ўз айланма маблағларининг

¹² «Сурхондонмаҳсулотлари» АЖнинг 2004-2010 йиллар ҳисобот маълумотлари асосида ҳисобланган.

қарзга олинган айланма маблағларга нисбати коэффициенти ва x_6 - асосий воситаларнинг эскириш коэффициентлари 99,8 % га таъсир этади. Бундан кўринадики, юқоридаги омилларнинг натижага таъсир даражаси жуда юқори бўлиб, тасодифий ҳодисаларнинг соф тушумга таъсир даражаси (0,2 %) анча паст экан. Шунингдек, назарда тутилган омиллар ҳамда соф тушум ўртасида тўғри чизиqli боғланиш мавжуд бўлиб, унинг зичлик даражаси 99,9 % ни ташкил этади. Қолдиқ дисперсия ҳам корхонага анча паст даражада таъсир қилиб унинг қиймати 7,66 ни ташкил этади ва корхонанинг асосий фаолиятига юқоридаги апроксимация омилларидан ташқари таъсирланувчи омиллар кучли даражада таъсир қилмайди.

Ишлаб чиқилган эконометрик моделда баъзи омиллар натижага ижобий таъсир этса, баъзилари эса аксинча салбий таъсир этади. Жумладан, (1) формулага асосан, тўлов қобиляти коэффициентининг бир фоизга ошиши маҳсулотларни сотишдан тушган тушумнинг 17085619,9 минг сўмга ошишига, харажатлар рентабеллиги коэффициентининг бир фоизга ошиши маҳсулотларни сотишдан тушган тушумни 433687132,9 минг сўмга ошишига, ўз айланма маблағларини қарзга олинган айланма маблағларга нисбати коэффициентининг бир фоизга ошиши маҳсулотларни сотишдан тушган тушумни 4895303,1 минг сўмга ошишига, ўз айланма маблағлари билан таъминланганлик коэффициенти бир фоизга ошиши маҳсулотларни сотишдан тушган тушумни 72656478,2 минг сўмга камайишига, активлар рентабеллиги коэффициентининг бир фоизга ошиши маҳсулотларни сотишдан тушган тушумни 5876881,6 минг сўмга камайишига олиб келади.

Юқоридаги корреляцион ва регрессион таҳлил натижаларидан кўринадики, ўз айланма маблағлари билан таъминланганлик коэффициенти ва активлар рентабеллиги коэффициенти омиллари «Сурхондонмаҳсулотлари» АЖнинг соф тушумига салбий таъсир этиб, унинг ҳажмини камайтиришга сабаб бўлади.

Демак, ички аудит услубиётида корреляцион ва регрессион таҳлилни қўллаш «Сурхондонмаҳсулотлари» АЖ молиявий кўрсаткичлар башоратини таъминлайди ва ўз вақтида чора-тадбирларни ишлаб чиқишга асос бўлади.

ХУЛОСА

Тадқиқот жараёнида қуйидаги **илмий хулосалар** олинди.

1. Ички аудит хизмати хўжалик юритувчи субъектнинг ташкилий тузилмаси, хусусияти, назорат объектлари, текшириш жараёнида аниқланиши лозим бўлган тахминий саволларга жавобни, текшириш ўтказиш техникаси ва услубиятини, қонун ва меъёрий ҳужжатларни, маълумотлар умумлаштирилишини, камчилик ва камомадларни аниқлаш ва олдини олиш йўллари, барча фаолият турларининг самарадорлиги ва бошқаларни назорат қилади. Ушбу белгиланган текширув услубияти ёрдамида танланган омиллар таҳлили хўжалик юритувчи субъектнинг барқарорлигини таъминлайди.

2. Ички аудит текширувлари етарли даражада амалга оширилишининг асосий мезонлари қуйидагилардан ташкил топиши мақсадга мувофиқдир:

- ташкилий тузилманинг самарадорлигига баҳо бериш ва амалга оширилаётган тадбирларнинг ҳисоб сиёсатига мос келиши;
- активлар сақланишига қаратилган тадбирларнинг мажбурийлиги ҳамда самарали ички аудит дастурининг мавжудлигидан иборат бўлади.

3. «Сурхондонмахсулотлари» АЖда ташкил этилган ички аудит хизмати ходимларининг функционал мажбуриятлари, аудитни олиб бориш босқичлари ва уларни самарали ташкил этиш, аудиторлик текширувини олиб боришнинг тартиби, ҳужжатлаштириш услублари ҳамда ички аудиторлик ҳисоботларини тайёрлаш масалаларига эътибор қаратиб, шунга кўра, ички аудит хизмати фаолиятини қай даражада самарали ва сифатли бажарилганлигини юқори раҳбарият (Кузатув) кенгаши томонидан баҳолаш натижалари аниқланади.

Зеро, ички аудит хизматининг такомиллаштирилиши хўжалик юритувчи субъектларда самарали ва тезкор наф берувчи бошқарув қарорларини қабул қилишда ҳамда ички аудит жараёнида риоя этилиши лозим бўлган босқичларни тўғри ташкил қилишда муҳим ҳисобланади.

Тадқиқот ишида хўжалик юритувчи субъектларда ички аудитни такомиллаштиришга қаратилган қуйидаги **илмий таклиф ва амалий тавсиялар** ишлаб чиқилди:

1. Хўжалик юритувчи субъектлар иш фаолиятини ягона тартибда амалга ошириш мақсадида «Ички аудит хизмати тўғрисида»ги намунавий Низом ишлаб чиқилди ва уни амалиётга тавсия қилиш бўйича таклифлар берилди.

2. Хўжалик юритувчи субъектларда ички аудит хизмати ходимлари учун «Ички аудиторларга малака сертификатини бериш тартиби тўғрисида»ги Низом ишлаб чиқилган ва амалиётга тавсия этилди.

3. Халқаро ички аудит стандартлари асосида биз томонимиздан таклиф этилаётган «Ички аудитни ҳужжатлаштириш» номли ички аудит миллий стандарти хўжалик юритувчи субъектларда ички аудит хизмати ва текширувининг ишчи ҳужжатларини соддалаштириш ва такомиллаштиришга имкон яратади.

4. Хўжалик юритувчи субъектларда ташқи аудиторлар билан ўзаро муносабатларини самарали ташкил этишда ички аудит хизмати натижаларидан фойдаланиш бўйича амалий тавсиялар ишлаб чиқилди.

5. Хўжалик юритувчи субъектларда ички аудит хизмати натижаларини расмийлаштириш учун «Ички аудиторлик ҳисоботи»нинг алоҳида шакли таклиф этилди.

Фикримизча, эришилган тадқиқот натижалари ва таклифлар мамлакатимизда фаолият юритаётган хўжалик юритувчи субъектлар ички аудит хизматини халқаро аудиторлик стандартлари талаблари даражасига етказилишига ва унинг самарадорлигини оширишга хизмат қилиши мумкин.

ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН ИШЛАР РЎЙХАТИ

1. Тўраев А.Н. Ички аудит хизматини ривожлантириш // Ўзбекистон Республикасида Бухгалтерия ҳисоби ва аудитни ривожлантириш муаммолари: республика илмий-амалий анжумани тезислар тўплами. – Тошкент, 2008. – Б. 95-97.
2. Тўраев А.Н. Акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарув тизимини шакллантиришда ички аудитнинг ўрни // Тадбиркорлик менежменти: назария, амалиёт, истиқбол: республика илмий-амалий анжумани тезислар тўплами. – Тошкент, 2008. – Б. 113-114.
3. Тўраев А.Н. Бюджет интизомини таъмин этишда ички аудит хизматидан фойдаланиш // Иқтисодий ва таълим. – Тошкент, 2009. – № 4. – Б. 123-126.
4. Тўраев А.Н. Хўжалик субъектларида ички аудит текширувини ўтказишда ахборот технологияларидан фойдаланиш ва ахборот хавфсизлигини таъминлаш // Иқтисодий ахборотларни қайта ишлаш ва ҳимоя қилишни таъминловчи технологияларни яратиш муаммолари ва ечимлари: республика илмий-амалий анжумани тезислар тўплами. – Тошкент, 2009. – Б. 111-112.
5. Тўраев А.Н. Хўжалик юритувчи субъектларда хорижий валюталар ҳаракати бўйича ички аудит текширувини ўтказиш // Миллий валюта барқарорлиги ва иқтисодий ўсишнинг ўзаро алоқадорлиги ва таъсири: республика илмий-амалий анжумани маъруза тезислар тўплами. – Тошкент, 2009. – Б. 142-144.
6. Тўраев А.Н., Эшонқулов Л.А. Хўжалик юритувчи субъектларда ички аудит хизматини шакллантириш // Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида бухгалтерия ҳисоби, аудит ва таҳлилни такомиллаштириш масалалари: республика илмий-амалий конференцияси материаллари. – Тошкент, 2009. – Б. 127-129.
7. Тўраев А.Н., Давлятов Х.М. Хўжалик юритувчи субъектларда ички аудит хизматини ташкил этиш ва самарадорлигини ошириш // Иқтисодий ва таълим. – Тошкент, 2009. – № 6. – Б. 94-97.
8. Тураев А.Н. Организация услуг внутреннего аудита в предприятиях в условиях мирового финансового кризиса // Реализации антикризисной программы – основа дальнейшего развития национальной экономики и повышения ее конкурентоспособности: сборник научных трудов. – Москва, 2010. – С. 337.
9. Тўраев А.Н., Эшонқулов Л.А. Ички аудитни такомиллаштириш омиллари // Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида молия ва бюджет тизимини такомиллаштириш масалалари: республика илмий-амалий анжумани. – Тошкент, 2010. – Б. 142-143.
10. Тўраев А.Н., Ашуров З.А. Корпоратив бошқарув тизимида ички аудит хизматини такомиллаштириш // Ҳозирги шароитда бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил, аудит ва мутахассислар тайёрлашни такомиллаштириш: республика илмий-амалий конференцияси. – Тошкент, 2010. – Б. 139-140.
11. Тўраев А.Н. Ички аудитнинг моҳияти хусусида // Молия. – Тошкент, 2010. – № 3. – Б. 76-80.

12. Тўраев А.Н. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозига қарши чоралар дастурини амалга оширишда корхоналарда ички аудит хизмати // Инқироз сабоқлари ва глобал таҳдидлар шароитида иқтисодий ривожланишнинг инновацион модели: республика илмий-амалий анжумани тезислар тўплами. – Тошкент, 2010. – Б. 66-68.

13. Тўраев А.Н. Хўжалик юритувчи субъектларда ички аудит хизмати сифатини ошириш // Сифат менежменти тизимини яратиш – иқтисодий ўсишнинг ҳал қилувчи омили. Республика илмий-амалий анжумани тезислар тўплами. – Тошкент, 2011. – Б. 182-183.

14. Тўраев А.Н. Внутренний аудит как система контроля эффективности деятельности предприятия // Двадцать четвертые международные плехановские чтения. Тезисы докладов. – Москва, 2011. – С. 351.

15. Тўраев А.Н. Хўжалик юритувчи субъектларда ички аудит хизматини такомиллаштириш // Ўзбекистон Республикасида иқтисодий таҳлил ва аудитни ривожлантириш муаммолари: республика илмий-амалий анжумани тезислар тўплами. – Тошкент, 2011. – Б. 96-97.

16. Тўраев А.Н., Бойназаров А. Хўжалик юритувчи субъектларда ички аудит хизматини ташкил этиш ва ривожлантириш // Иқтисодиёт ва таълим. – Тошкент, 2011. – № 4. – Б. 130-133.

Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасига талабгор Тўраев Абдурахим Нортажиевичнинг 08.00.08- «Бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил ва аудит» ихтисослиги бўйича «Хўжалик юритувчи субъектларда ички аудитни такомиллаштириш» мавзусидаги диссертациясининг

РЕЗЮМЕСИ

Таянч сўзлар: аудит, аудит назарияси, ички назорат, хўжалик юритувчи субъект, ички аудит, ички аудит режаси, ички аудит дастури, халқаро ички аудит стандартлари, ички аудит миллий стандартлари, ички аудит жараёнларининг таркибий тузилмаси, ички аудит ҳисоботи.

Тадқиқотнинг объектлари: «Ўздонмаҳсулот» ДАК тизимидаги «Сурхондонмаҳсулотлари» акциядорлик жамияти ва «Сурхонпахтасаноати» ҳудудий акциядорлик бирлашмаси хўжалик юритувчи субъектларида ички аудит хизмати фаолияти.

Ишнинг мақсади: иқтисодиётни модернизациялаш шароитида хўжалик юритувчи субъектларда ички аудитни такомиллаштиришга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқот методлари: таққослаш, гуруҳлаш, коэффициентларни ҳисоблаш, иқтисодий-математик.

Олинган натижалар ва уларнинг янгилиги: ички аудит хизматини самарали ташкил этиш ва тартибга солиш илмий жиҳатдан асосланди; хўжалик юритувчи субъектларда ички аудит хизмати ходимлари учун «Ички аудиторларга малака сертификатини бериш тартиби тўғрисида»ги Низом ишлаб чиқилган ва уни амалиётга қўллаш тавсия этилди; халқаро ички аудит стандартлари асосида «Ички аудитни хужжатлаштириш» миллий стандарти ишлаб чиқилди; хўжалик юритувчи субъектларда ташқи аудиторлар билан ўзаро муносабатларини самарали ташкил этишда ички аудит хизмати натижаларидан фойдаланиш бўйича амалий тавсиялар ишлаб чиқилди; хўжалик юритувчи субъектларда ички аудит хизмати натижаларини расмийлаштириш учун “Ички аудиторлик ҳисоботи”нинг алоҳида шакли таклиф этилди; ички аудит хизматида корреляцион ва регрессион таҳлили усуллари натижасида хўжалик юритувчи субъект молиявий ҳолати башоратини амалга ошириш йўллари ишлаб чиқилди.

Амалий аҳамияти: тадқиқот ишида олинган илмий таклиф ва амалий тавсиялар хўжалик юритувчи субъектларда ички аудитни комплекс такомиллаштиришга қаратилган ҳукуматнинг мақсадли дастурлари, чора-тадбирлар тизими ишлаб чиқилишида қўлланилиши мумкин.

Татбиқ этиш даражаси ва иқтисодий самарадорлиги: диссертация ишида ишлаб чиқилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Ўзбекистон Бухгалтерлар ва аудиторлар миллий ассоциацияси томонидан амалиётда фойдаланиш учун қабул қилинган. Тадқиқот материалларидан олий ўқув юртларида «Аудит», «Аудиторлик фаолиятининг миллий стандартлари» фанлари ўқув дастурларини такомиллаштириш ва ўқитишда фойдаланиш мумкин.

Қўлланиш соҳаси: Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, хўжалик юритувчи субъектлар, олий ўқув юртлари.

РЕЗЮМЕ

диссертации Тураева Абдурахима Нортожиевича на тему: «Совершенствование внутреннего аудита в хозяйствующих субъектах» представленной на соискание ученой степени кандидата экономических наук по специальности 08.00.08 – «Бухгалтерский учет, экономический анализ и аудит»

Ключевые слова: аудит, теория аудита, внутренний контроль, хозяйствующий субъект, внутренний аудит, план внутреннего аудита, программа внутреннего аудита, международные стандарты внутреннего аудита, национальные стандарты внутреннего аудита, структура этапов внутреннего аудита, отчет внутреннего аудита.

Объекты исследования: деятельность службы внутреннего аудита хозяйствующих субъектов территориального акционерного объединения «Сурхонпахтасаноати» и акционерного общества «Сурхондонмахсулотлари» в структуре ГАК «Уздонмахсулот».

Цель работы: разработка научных предложений и практических рекомендаций направленных на совершенствование внутреннего аудита хозяйствующих субъектов в условиях модернизации экономики.

Методы исследования: сравнение, группировка, вычисление коэффициентов, экономико - математические.

Полученные результаты и их новизна: научно-обосновано эффективно организовать и упорядочить службу внутреннего аудита; был разработан и предложен применить на практике устав «О выдаче сертификатов о повышении квалификации внутренним аудиторам» для сотрудников службы внутреннего аудита в хозяйствующих субъектах; на основе международных стандартов внутреннего аудита был разработан национальный стандарт «О документации внутреннего аудита»; разработаны практические рекомендации по организации эффективных взаимоотношений с внешними аудиторами с использованием заключений службы внутреннего аудита; предложена отдельная форма «Отчетность по внутреннему аудиту» для оформления итогов внутреннего аудита в хозяйствующих субъектах; разработаны пути прогнозирования финансового состояния хозяйствующих субъектов путём применения способов корреляционного и регрессионного анализа в службе внутреннего аудита.

Практическая значимость: научные предложения и практические рекомендации полученные в диссертационном исследовании могут быть использованы в разработке целевых программ, системы мероприятий государства, направленных на комплексное совершенствование внутреннего аудита в хозяйствующих субъектах.

Степень внедрения и экономическая эффективность: научные предложения и практические рекомендации разработанные в диссертации приняты для внедрения в практику Министерством финансов Республики Узбекистан и Национальной ассоциацией бухгалтеров и аудиторов Узбекистана. Материалы исследования могут быть использованы при усовершенствовании учебных программ и в преподавании курсов «Аудит», «Национальные стандарты аудиторской деятельности» в высших учебных заведениях.

Область применения: Министерство финансов Республики Узбекистан, хозяйствующие субъекты, высшие учебные заведения.

RESUME

Thesis of Turaev Abdurahim Nortojiyevich on the scientific degree competition of the candidate of economic sciences on speciality 08.00.08 – «Accounting, economical analysis and audit», subject: “Improvement of internal audit in business entities”

Key words: audit, audit theory, internal control, business entities, internal audit, internal audit plan, internal audit program, international standards of internal audit, national standards of internal audit, the structure of the stages of internal audit, internal audit report.

Subjects of research: activity of internal audit service of business entities of territorial joint-stock association in “Surxonpaxtasanoati” and joint-stock company in “Surxondonmahsulotlari” in structure of JSC “Uzdonmahsulot”.

Purpose of work: developing scientific offers and practical recommendations on perfection of internal audit in business entities in conditions of economy modernization.

Methods of research: comparison, grouping, ratio calculation, economic-mathematical.

The received results and their novelty: to organize and regulate effectively the internal audit service was scientifically founded; the Charter “On the issue of training certificates to internal auditors ” for the employees of internal audit service of business entities was developed and proposed to put into practice; the national standard “On documentation of internal audit” based on international standards of internal audit was developed; practical recommendations on the organization of the relationships with external auditors using conclusions of internal audit service were developed; to process the results of internal audit of business entities, a separate form “Report of internal audit” was proposed; ways of forecasting the financial condition of business entities based on conclusion of correlation-regression analysis methods in internal audit service were developed.

Practical value: scientific offers and practical recommendations of the research can be used to develop targeted programs of activities of the state aimed at improvement the complex perfection of internal audit in business entities.

Degree of embed and economic effectivity: practical results and offers of the research were accepted for introduction in practice by the Ministry of Finance of the Republic of Uzbekistan and National Association of accountants and auditors of Uzbekistan. The research materials can be used in higher educational institutions in improvement of curriculums and training of “Audit”, “National standards of audit activity”.

Field of application: the Ministry of Finance of the Republic of Uzbekistan, business entities, higher educational institutions.

Тадқиқотчи _____